

МУРАББИЙ ИШОНЧИ

Махмуд ака машинасини ўт олдириб, энди йўлга отлаётганда Зоир Ҳалилов уни тўхтатди.

— Ҳали айтиш ёдимдан чиқибди. Вугун ишдан сўнг маҳаллий комитет йиғилиши бўлади. Барвақтдош қайтсангиз, — деди колонна бошлиғи яқин келиб.

— Қандай масала кўрилади? — сўради Махмуд ака қизиқиб.

— Кўчқор Иноғомовни муҳофиза қилмоқчимиз, — жавоб қайтарди З. Ҳалилов. Моҳир ҳайдовчи албатта етиб келишини айтиб, машинасини кўзга ташди. У Кўчқорнинг нима сабабдан муҳофиза қилинишини тушуна олмади. Иноғомов ёмон йигит эмас. Анча йилдан бери шу автобазада ишлаб келарди. Қизиқ, нима иш қилиб қўйди экан?

Масала кечқурун йиғилишда оидиллашди.

— Сунгги пайтларда Кўчқор Иноғомов ишга соғуқ-қонлиқ билан ёндошпти, — деди бош инженер А. Наримовов, — бир неча марта ишга кечикиб келди. Машинасининг техник ҳолатига эътибор бермапти.

— Энг муҳими команди-ровкадан боришдан бош тор-моқда, — унга қўшимча қил-ди колонна бошлиғи, — бир гал ўзининг бегоблигини айтганда руҳсат бердик. Ик-кинчи сафар унга меҳмон келганлигини баҳона қилди. Яна ўринга бошқа ҳайдовчи жўнатдик. Энди бўлса очик-дан очик командировкага бо-ришдан бош тортипти.

— Балки оилавий шароити тўғриси келмаётгандир? — сў-ради комитет аъзоларидан бири.

— Йўқ, бу тўғрида гап бўлиши мумкин эмас. Биз унинг оилавий шароити билан танишиб чиққанмиздан сунггина кун тартибига шу масалани киритдик. Кўчқор-нинг командировкага бориш-га имкони бор. Фақат ўзи истамапти. Илгари ҳам ма-на шунинг учун маъмурият

томонидан огоҳлантирилган эди. Барибир тўғри хулоса чиқариб олмади.

Билдирилмаётган эътироз-ларга диққат билан қўлоқ солиб ўқиди. Махмуд ака ўйлашиб қолди. Кўчқорнинг аввал ҳам бир неча марта колонна бошлиғи билан қан-дайир масала юзасидан тор-тишиб турганини кўрган эди. Демак, ўшанда ҳам команди-ровка юзасидан қайсарлик кўнган экан-да. Автобазада командировкага бормайдиган бирорта ҳайдовчи йўқ. Иши-миш шунча. Ҳатто янги иш-га келган ёшлар ҳам махсус сивовдан ўтказилиб, тақри-бали ҳайдовчиларга қўшиб сафарга жўнатилади. Баъзан

митет аъзолари Иноғомов-нинг характерида бирор ижо-бий ўзгариш бўлишига ишо-нишмасди. Лекин, эртаси ку-ни эрталаб улар кутмаган воқеа юз берди. Кўчқор энг йироқдаги қўрилиш объекти-га командировкага жўнаб кетди. Қайтиб келгач, Мах-муд акага чуқур миннатдор-чилик изҳор қилди, унинг ишончини оқлашга яна бир қарра ваъда берди.

Ҳозир Кўчқор автобазада-ги энг илгор ҳайдовчилардан ҳисобланади. Пешқадамлар қатори беш йиллик планини тўрт йилда бақаришга ҳара-кат қилди. Аяни пайтада унинг меҳнат календарига 1985 йилнинг сентябрь ойи ўтиб бормоқда.

«Тошкентводострой» автоба-заси коллективи Махмуд ака Кўчқорнинг мураббий ҳай-довчи сифатида ҳурмат қи-лади. У 30 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида қўллаб-қўллаганларига вояга етказди. 18 йил ҳайдовчилар брига-дасига бошчилик қилди. Транспортидаги илгор усул — бригада пурати асосида иш-лашга ҳам биринчи бўлиб унинг коллективи ўтган эди. Ҳозирги пайта автобазадаги бригадалардан 8 таси ана шу усулда самарали меҳнат қи-лмоқда. Корхона ветерани Махмуд аканинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ орде-ни ва бир қанча медаллар беаб тўрибди.

Район партия комитети-нинг аъзоси, район Совети-нинг депутаты М. Кўчқоров яқинда ўн биринчи беш йил-лик топширигини бажарган-лиги ҳақида рапорт берди. У беш йиллик планида белги-ланган 1 миллион 500 минг тонна-километр ўрнига 1 миллион 550 минг тонна-кило-метр иш бақаришга эришди. Кўчқор ака юбилей йилида меҳнат унвондорлигини 4 про-центга ошириш учун астой-дил ҳаракат қилмоқда. Унинг шоғирларини ҳам устоз нази-дан дадил боришляпти.

И. ТОШЕВ,
Поскент райони.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

ОҲАНГАРОН галла маҳ-сулотлари комбинати кол-лективи йил сайин иш кўр-саткичларини яхшилаб бора-ляпти. Авваллари қолоқ қи-сманган комбинат ўн би-ринчи беш йилда шаҳар са-ноат корхоналари ўртаси-даги ўзаро социалистик му-собақада пешқадамлар са-фидан ўрин ола бошлади. Коллектив учун 1983 йил, айниқса, самарали бўлди. Пландига 104540 тонна ўр-нига 107686 тонна ун, 83 минг ўрнига 84303 тонна омухта ем тайёрланди.

Бундай ютуқларга нима-лар ҳисобига эришилди, де-ган савол туғилиши мум-кин. Ўтган йиллар давоми-да комбинат ишчиларининг со-ни кўпайди, деб бўлмади. 1980 йилда корхонада 501 киши меҳнат қилган бўлса, ўтган йили улар 445 кишини ташкил этди. Лекин маҳсу-лот реализацияси кескин ортди.

Ҳамма гап шундаки, кол-

ЛЕКТИВДА меҳнат унвондорли-гини оширишга зўр берил-ляпти. Янги техникани иш-лаб чиқаришга жорий этиш кенг кўлабда давом эттирил-моқда. Жумладан, элеватор це-хи реконструкция қилин-ди. Маҳсулотларни қадок-лаш, қопларни орттиш-туши-риш ишлари механизмлар зиммасига юклатилди.

Айни пайтада коллективда Ўзбекистон ССР ва Ўзе-бекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўтказила-ётган социалистик мусоба-қа қизғин паллага кирди. П. Ка-молев бошчилигидаги эле-ватор це-хи, Л. Саломова

етакчилигидаги бригада ва бошқа қўллаб-қўллаган шонли санага қадар беш йилликнинг тўрт йилини адо этишга ҳаракат қилмоқда-лар. Йил охиригача комби-натда планга қўшимча ра-вишда 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Меҳнат унвондорлиги пла-нда ташқари 1,1 процент оширилиб, қўшимча 20 минг сўмлик маҳсулот тайёрлана-ди. Коллективнинг ҳар бир аъзоси ҳоирламоқ ана шу кўрсаткичларга эришиш мақсадида фидокорона меҳ-нат қилмоқда.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ
МАКТАБИДА

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

Кеча Тошкент область партия комитети ҳузуридаги журналист маҳорати макта-бининг навбатдаги машғуло-ти бўлиб ўтди.

Машғулотда область пар-тия комитети сийси маориф уйи мудирининг ўринбасари С. Н. Сандов «Марксист-ленинча таълим системаси-нинг тарихининг илгир-ке-инги сийси-сийси активлигини оширишга оид ахборот воситаларининг роли ва вазифалари тўғрисида» мавзуда лекция ўқиди.

Тингловчилар шунингдек, область партия комитети қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг мудир Ш. О. Дадабевнинг КПССнинг XXVI съезди, партия Марказий Комитети май (1982 йил) ва кейинги Пленумлари қарор-ларидан келиб чиқадиган ва-зифалар асосида Тошкент об-ласти агросаноат би-рлаш-маларининг иш тўғрисидаги лекциясини ҳам эшитдилар. Область партия комитети ҳу-зуридаги колхоз ва совхоз-лар тарихи жамоатчилик ин-ститути филиалининг ил-мий-тадқиқот бўлими муди-ри Б. А. Кайлов КПСС Марказий Комитетида пар-тия ва меҳнат ветеранлари билан урчушун чоғида қў-йилган масалалар асосида маҳаллий матбуотда вете-ранлар билан ишлаш маса-лаларининг ериштирилиш тў-ғрисида сўзлаб берди.

Шу кун «Суръат», «Меҳ-нат байроғи» ва «Машъақ» район газеталари пахта етиштиришнинг Тошкент те-хнологияси мавзусини жан-дай еришганликлари об-зор қилиб берилди.

ҲАР КУНИ 1,5 БАРАВАРДАН

ОЛМАЛИҚ шаҳар қури-лиш ташкилотларида ўн би-ринчи беш йиллик топши-риқларини муддатидан ил-гари бақариш. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компар-тиясининг 60 йиллик юби-лейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа янги йилнинг дастлабки ку-лариданоқ авж олиб кетди. КПСС Марказий Комитети-нинг декабрь Пленуми қа-рорларидан руҳланган юз-

лаб бинокорлар зиммаларига ошқирланг мажбуриятлар олдилар. Ёш теруви-лардан А. Толипов, А. Матков, Жонатажарларан В. Поляков, А. Шумков, электр-ликчидан Н. Латипов, 3. Га-фурова ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар шу кунларда унумли ва сифат-ли ишлаб, нормани бир ярим бараварга етказиб адо этмоқдалар.

М. АЛИМОВ.

ИЗЛАГАН МАҚСАДИГА ЕТАДИ

Йили Латиф Юнусов Тош-кент тўқимачилик ва енгил саноати институтида ўтказ-илган конкурсда қатнашиб химия кафедрасига ассис-тент бўлди.

Тўқимачилик соҳасида ҳам ҳали ҳал этилмаган муаммо-лар борлиги ёш олимнинг диққатини тортиди. Айниқса, табиий ипакнинг физик-хи-миявий, коллоид-химиявий хоссаларини синчиқлаб ўр-наниб чиқилгандагина янги-ни қилиш мумкинлиги аён бўлди. Латиф Юнусов ўзи истеъдодини ана шу йўналишга бағишла-ди.

Ипак таркибидagi қайси моддалар хусусияти ҳис-обига тола ишчилик, сифа-ти, саноатбонлиги яхшила-нади? Бу саволга амалий жавоб топиш учун олим чу-қур тадқиқотларга берилди. Иланишлар натижасида ипак толасининг сифати се-рицин моддасига боғлиқлиги аниқланди. Муаммонинг бир учили топиладиган эди. Бу илмий ишни олим москвалик ҳамкасблари билан ҳамкор-ликда Москва Давлат уни-верситети ва юқори моле-кулар биология институти базасида олиб борди. Му-аммонинг иккинчи уч узоқ тақриблар, лабораториялар, фабрика ва ипак ўраш даст-гоҳларида ишлаш орқали ҳал этилди.

Серициннинг фракцион таркибини, молекулар ту-зилиши, физик-химиявий ва

бўёқчиликдан бошлади. Ле-кин нима бўлса ҳам қурув-чилик касбини пухта эгал-лашга қарор қилди. Унга а-стойдил киришди. Коллектив-даги тақрибали қурувчилар-нинг йўл-йўриқларига амал қилди. Илгорлар тақрибаси-га таянди. Иш жараёнида содир бўлган дастлабки қи-йинчиликларини енгиб, аста-секин меҳнатда чиниқа бо-шлади.

БРИГАДИР

(ЛАВҲА)

Орадан бир йил ўтди. Қу-рилиш бошқармаси комсо-мол-ешларнинг йиғилиш-ларида бирида янги пардо-ловчи комсомол-ешлар брига-даси тузиш тўғрисидаги тақ-лиф қўриб чиқилди. Брига-да эса тиришқоқ қурувчи Холхўжа Умаров бошлиқ эти тайинланди.

Албатта, бу воқеа Умаров учун қутилмаган воқеа эди. Келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг устига тақриб... Лекин Холхўжа зиммасига юклатилган вазифанинг му-раккаблигини ҳис қилиб тур-са-да қийинчиликлардан чў-чимади. Унга таскин бериб турган нарсаси — бригадада бирлашган 15 нафардан энг комсомол-еш ўзининг тенг-қурлари эканлиги эди. Ҳар қалай бир-бирларини яхши тушунишди, тил топишиб олиш мумкин.

Кўп ўтмай комсомол-ешлар бригадаси доимо мактаб тил-га олинадиган бўлиб қолди.

— Ўтган 1983 йилда бри-гадаси қурувчилари йиллик планини 108 процент қилиб бақаришди, — дейди Холхў-жа Умаров биз билан суҳ-батда. — Пайтада белгилан-ган 181750 квадрат метр ўр-нига 197176 квадрат метр ҳажмдаги пардоз ишларини амалга оширдик. «Себор» масивидagi 51-ўрта мактаб, Юнусовдиннинг «СВ-4» мас-ивидagi 132 оғлага мул-жалланган турар-жой бино-лари барвақт фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда пойтахтда-ги 2-«Отделстрой» трестига қарашли 42-бошқармасининг еш коммунист Холхўжа Ума-ров бошчилик қилмаган пар-дозловчи комсомол-ешлар бригадаси қурувчилари

КПСС Марказий Комитети-нинг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленум-лари белгилаб берган вазифа-ларини ўзларининг жа-во-вор иш программалари деб билиб, юксак унвон билан меҳнат қилишмоқда. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда кол-лективда меҳнат унвондорли-гини пиландан ташқари 1 про-цент ошириш, материаллар-дан оқилона фойдаланиш ҳи-собига қурилиш таннарихини арзонаштиришга қарор қи-лди.

Бригадининг Сунатилла Муҳаммадхўжаев, Баҳром Аҳмедов, Ботирқон Қорабо-ев сингари оловқалб ёшлари юксак марраларни эгаллаш учун суръатта-суръат қўш-моқдалар. Шуниси қувончи-ки, бригада қурувчиларининг ҳар бири икки ёки ундан ор-тиқ турдош касбларни ўз-лаштириб олишган. Бу эса муайян мутахассисликдаги қурувчиларни қўтиб, қури-лиш муддатини ўзгариб кет-тишга йўл қўймайди.

Ўзбекистон ССР ва рес-публика Компартиясининг шонли 60 йиллиги нишонла-надиган юбилей йилида бри-гада қурувчилари зарбдор-ларча меҳнат қилиб 92,6 минг сўмлик пардозлаш иш-ларини амалга ошириш маж-буриятини олишган. Шах-шубха йўқки, коммунист Холхўжа Умаров бошчилик қилмаган бригада азаматла-ри иш суръатини бўшашти-рмай бу йил ҳам социалистик мусобақа илгорларининг са-фидан ўрин оладилар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.



М. Нуриддинов фотоси.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ҲАЁТИДАН

БИР ҚИШЛОҚ ДЕПУТАТЛАРИ

СОВЕТ ҳоқимияти олий органига ўтказилган олднинг сайловдан кейин ўтган беш йил мобайнида областимизда катта буюндорлик ишлари амалга оширилди, қишлоқла-римиз қиёфаси янада гўзал-лашди. Бунинг бекобид ра-йондаги Қалинин қишлоқ Со-ветига қарашли Ленин но-мли колхоз ва унинг қишлоқ-лари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу даврда хўжалик она-Ватан хирмонига 40 минг тоннадан ортиқ «оқ олтун» армурун этди. 2000 гектар пахта майдонида йилига 8000 тоннадан жавоҳир етиштирилиб, ҳосилдорлик 40 центнерданга тўғри келмоқ-да. Аввалги беш йилликлар-да ҳеч қачон бу даражада кўп пахта етиштирилмаган. Хўжалигининг етакчи тармо-ғини юксалтиришда бунча-лик собиққадамлик билан олға боришганда.

Қолхозда турли соҳалар ривожланиши жараёнида меҳнаткашлар турмуш фар-овонлигининг неғиз бўлган хўжалик эканлигини ҳам ўсиб борди. Ҳозир хўжалик йилига 5—5,5 миллион сўм-дан даромад олмақда. Шун-га қўра колхозчиларнинг ой-лик иш ҳақи 170—200 сўм-ни ташкил қилмоқда.

Мўмай даромад қишлоқ-ларнинг янада обод ва кўр-кам бўлиб боришига ижобий таъсир қўрсатяпти. Айниқса, колхоз маркази — Жумабозор қишлоғининг жамоли қўни қўвонтиради. Кенг, ра-вон кўчалар, йўл бўйидаги замонавий тилда қад ростла-ган уйлар, қўшқаватли мак-таб, магазин, чойхона, прав-ление идораси, қўли бинола-ри қишлоқ қиёфасини ша-ҳарга қиёслагудек манзарани кашф этган. Туғилари порла-ган ранг-баранг неон чироқ-лар ҳибобларини янада му-наввар этади. Радиоканай-лардан шўх қўй-қўшқилар янграш биланоқ қишлоқ ёш-лари кўчаларни тўлдириб муҳташам клуб, кутубхона томонга, қариялар эса ши-лан ва ораста чойхонага йўл олишди.

Қишлоқларнинг йил сайин чироқ очилишида қишлоқ Со-вети ходимлари ва депутатла-ри кенг қўллаб-қўлловчи-лик ва қўллаб-қўлловчилик ишларини амалга ошираёт-ганликлари мўъжиза ҳисоб-ланади. Бу жиҳатдан махсус ойлиқлар ўтказиб ту-рилганлиги ижобий самара бермоқда. Қолаверса, шу та-риққа қишлоқ Совети депу-тати Собира Худойназарова та-шаббўси билан 1-ўртадаги универмаг, депутат Раҳмон Шодмонов раҳбарлигида 3-ўртада 32 та кутубхона, Анаора Абдумаликова ҳа-ракатлари тўғрисида болалар бочаси қуриди. Алиқул Аҳмедов бошчилигида 1- 2-

СССР МОЛНИЯ
МИНИСТРЛИГИ ВА
СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН
РУС ФИЗИКИ А. С. ПОПОВ
ТУГИЛГАН КУНИНИНГ
125 ЙИЛЛИГИ МУНОСА-
БАТИ БИЛАН ЭСДАЛИК
ТАНГАНИ МУОМАЛАГА
ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА
Рус физики А. С. Попов
туғилган кунининг 125 йилли-
ги муносабати билан 1984
йил 16 мартда қиймати 1
сўм бўлган эсдалик танга
муомалага чиқарилади.
Қиймати 1 сўм бўлган эс-
далик танга оқ рангли мис.
никель қотишмасидан тайёр-
ланади ва диаметри 31 мил-
лиметрни доира шаклида бў-
лади.
Танганинг ўнг ва орқа то-
монларида қабарик ҳошия
бўлади.
Танганинг ўнг томонида
СССР Давлат герби тасвир-
ланган ҳамда «СССР», «1
рубль» ва «1984» деб ёзил-
ган.
Танганинг орқа томонида
А. С. Поповнинг қабартама
тасвири ва унинг ўнг томо-
нида «1859» ва «1906» са-
налари, қуви қисмида эса
«А. С. Попов» фамилияси
ёзилган.
Танга қирраси бўйлаб ик-
ки жойга «Один рубль» сўз-
лари ўйиб ёзилган бўлиб,
улар бир биридан икки нуқта
билан ажратилган.
Рус физики А. С. Попов
туғилган кунининг 125 йилли-
ги муносабати билан муома-
лага чиқарилаётган эсдалик
танга ҳозирги вақтда муома-
лада бўлган тангалар билан
бир қаторда давлат, коопера-
тив, жамоат корхоналари,
муассасалари, ташкилотлари,
колхозлар ва айрим шахслар
томонидан ҳамма турдаги ту-
ловлар учун, шунингдек
банклар, омонат касалари ва
алоқа министрликларининг
корхоналари томонидан жо-
рий расчёт ҳисоб китоблари-
га, омонатларга ўтказиш, ак-
кредитивлар билан алмашти-
риш ва бошқа жойга юбориш
учун чекланмаган миқдорда
қабул қилиб олиниши шарт.

